

КОРОНАВИРУС COVID-19 ПАНДЕМИЯСИНING ГЛОБАЛ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ



Зайниддинов Руҳиддин Хусниддин ўғли
Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Жаҳон иқтисодиёти”
кафедраси ассистенти

E-mail: zayniddinovrukhiddin77@gmail.com

Аннотация: Хитойнинг Ухан шаҳрида биринчи марта аниқланган ва COVID-19 номини олган коронавирус инфекциясининг қисқа муддат ичида глобал миқёсда тарқалиши деярли барча мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашувига олиб келмоқда. Коронавирус COVID-19 глобал пандемияси нафақат кўплаб одамларнинг ўлимига олиб келди, балки у Буюк Депрессиядан бери мисли кўрилмаган миқёсда глобал иқтисодиётга зарар етказмоқда. COVID-19 шахсий ҳаётни, бизнесни, саноатни ва бутун иқтисодиётни йўқ қилишга қодирлиги дунё оммасига маълум бўлди. Ушбу мақолада дунё иқтисодиётининг индивидуал жиҳатларига COVID-19нинг ижтимоий-иқтисодий таъсири ва уни оқибатларини бартараф этиш бўйича жаҳон мамлакатлари амалга ошираётган чора-тадбирларни умумлаштирган ҳолда ўрганиш ва уларнинг аҳамиятини ҳамда кенг иқтисодий ривожланишдаги ролини таҳлил қилиш илмий тадқиқот мавзумизнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Калит сўзлар: COVID-19, касаллик, карантин, аҳоли, ижтимоий ҳимоя, нарх, инфляция, иқтисодий инқироз, даромад, харажат, иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқариш, экспорт, импорт, молия саноати, инвестиция, товар, ишсизлик, миграция, хизмат кўрсатиш, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш.

Abstract: In the short-term, the global spread of coronavirus infection, first identified in Wuhan, China, and known as COVID-19, is leading to a deterioration in the socio-economic situation in almost all countries. The global pandemic of coronavirus COVID-19 has not only killed many people, but it has been also damaging the global economy on an unprecedented scale since the Great Depression. The ability of COVID-19 to destroy personal life, business, industry and the entire economy has become known to the world community. The main purpose of this article is to summarize the socio-economic impact of COVID-19 on individual aspects of the world economy and the measures taken by countries to address its consequences and analyze their importance and role in broad economic development.

Keywords: COVID-19, disease, quarantine, population, social protection, price, inflation, economic crisis, income, cost, economic growth, production, export, import, financial industry, investment, commodity, unemployment, migration, service, tourism, education, healthcare.


Кириш

2020 йил 1 май ҳолатига кўра, дунёнинг 214 та мамлакатларида коронавирус билан зарарланган аҳоли сони 3,2 миллиондан ошди, уларнинг учдан бир қисми соғайган беморлар қаторида бўлса, 230 мингдан ортиқ беморларда ўлим ҳолатлари қайд этилган [1]. Сўнги бир ҳафта-ўн кун давомида жаҳонда ушбу вирусга чалинганлар сони кунига 30-50 минг нафар кишига ошмоқда. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида фавқулодда вазият ва карантин тартиби жорий қилинганига қарамай вирусдан касаланганларнинг сони кун сайин ўсиб бормоқда. Давлатлараро

фуқаролар ҳаракатланиши чекланиши, таълим, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида карантин ҳолатининг жорий қилиниши ҳамда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам корхоналарнинг қисман карантин ҳолатида фаолият юритиши коронавируснинг жаҳон иқтисодиётига таъсирини кучайтирмоқда.

Пандемиянинг дунёда ва ҳар бир мамлакат иқтисодиётида келтириб чиқараётган мураккаб вазият ва қийинчиликларини кўплаб халқаро ташкилотлар ва экспертлар олдинги иқтисодий инқирозлардан фарқли равишда кўлами жиҳатидан 1929-1932 йиллардаги “Буюк депрессия”дан кейинги энг оғир ҳолат сифатида қайд этилмоқда. Хусусан, 1929-1932 йиллар мобайнида дунё иқтисодиёти умумий ҳисобда тахминан 15 фоизга қисқарган бўлса, 2008-2009 йиллардаги глобал молиявий инқироз натижасида глобал иқтисодий ўсиш суръатлари мос равишда 3 ва -0,6 фоизни ташкил этган.

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ)нинг жорий йил биринчи ярмида коронавирус пандемияси кенгайишининг тўхтатилиши ва иккинчи ярим йилдан бошлаб иқтисодий фаолликнинг босқичма-босқич тикланиши бўйича тахминларига асосланган базавий прогнозларига кўра 2020 йилда жаҳон иқтисодиёти -4,2 фоизга қисқариши кутилмоқда. Бунда, иқтисодий пасайиш ривожланган давлатларда 6,1 фоизни (шу жумладан, АҚШ -5,9 фоиз, Еврозона мамлакатлари -7,5 фоиз) ва ривожланаётган мамлакатларда -1 фоизни, шунингдек, Россияда -5,5 фоизни ва Қозоғистонда -2,5 фоизни ташкил этиши, Ўзбекистонда эса 1,8 фоизлик иқтисодий ўсиш прогноз қилинмоқда [2].



1-расм. 2020 йилда жаҳон мамлакатлари иқтисодиёти ривожланишининг прогнози: турли ташкилотларнинг сўнги прогнозлари [3].


Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) ижрочи директори Кристалина Георгиеванинг фикрича, воқеалар ривожининг салбий тус олишига тайёргарлик кўриш керак ва коронавируснинг дунё иқтисодиётига нохуш таъсирини тезда бартараф қилинишини кутмаслик лозим. Бу ҳақида у G20 мамлакатлари марказий банклари раҳбарларининг Саудия Арабистонида ўтказилган учрашувида айтди [3]. Шунингдек, дунёнинг машҳур

Goldman Sachs инвестиция банки мутахассислари ҳам инқирознинг салбий оқибатлари ҳақида гапиришмоқда. Уларнинг ҳисоб-китобларига кўра, жорий йилнинг иккинчи чорагида ривожланган давлатлар иқтисодиёти биринчи чорагига нисбатан 35 фоизга қисқаради. Бу тарихдаги рекорд кўрсаткич ва у 2008 йилда кузатилган максимал кўрсаткичдан тўрт баравар кўпдир. Шунга кўра, ушбу пендемиянинг иқтисодиётнинг етакчи соҳа ва тармоқларига ҳам жиддий талофатлар келтираётганлигини қуйидагилар мисолида кузатиш мумкин.

1. молия саноати

Иқтисодий жараёнларнинг тобора чуқурлашиб бораётган бугунги кунда унинг занжирли боғланишга эга тизимига коронавирус эпидемиясининг глобал салбий таъсир билан кириб келиши, энг аввало, молия соҳасида ўз аксини кўрсатишида намоён бўла бошлади, хусусан: фонд бозорларининг индекслари тушиб бормоқда, компаниялар маблағларни тежаш мақсадида ўз харажатларини қисқартирмоқда, корхоналар қисқартилган иш тартибига ўтмоқда [4].

Дунё фонд биржаларида бундай кескин пасайиш ўн йиллардан буён кузатилмаётган эди. Reuters агентлигининг ҳисоб-китобларига кўра, феврал ойининг охирига 2008 йилда бошланган молиявий инқироз давридан буён кузатилган иқтисодий ва молиявий жиҳатдан энг нохуш ҳафта бўлди. Бутун дунёда инвесторлар ваҳима остида акцияларни сотишга тушдилар, ривожланаётган бозорга эга бўлган мамлакатларнинг валютаси, хом ашё шартномалари нархи кескин қадрсизлана бошлади. Коронавирус ваҳимаси ортида охириги кунлар ичида жаҳон фонд биржаларида 10 трлн. доллар йўқотилди. Акциялар нархи, нафақат, АҚШ фонд биржаларида, балки, Европа ва Осиёда ҳам тушиб кетди.



2-расм. Коронавируснинг тарқалиш бошланганидан бери фонд бозорларига таъсири (FTSE, Dow Жонес Индустириал АVERAGE ва Nikkei индексларининг 2020 йил январь-май ойлари учун кўрсаткичлари [5]).

FTSE, Dow Jones Industrial Average ва Nikkei индекслари 31 декабрдан бери улкан пасайишларни қайд этиб келмоқда. Хусусан, Япониянинг таянч индекси Nikkei 225 6 март куни ҳолати бўйича 2,7 фоизга ёки бошқа Осиё мамлакатлари фонд бозоридаги


индекслар, жумладан, Корея индекслари 2,2 фоизга, Ҳонгконг биржаси индекси 2,3 фоизга, Хитойнинг SHCOMP индекси 1,3 фоизга тушиб кетган. Европадаги фонд биржалари Европа давлатларида коронавирус жадал тарқалаётгани ҳақидаги хабарлар ортидан 3-3,6 фоизга пасайган. Осиё фонд биржаларида ҳам 9 март ҳолатига кўра кескин пасайиш кузатилди [4] (2-расм).

Dow ва FTSE индекслари 1987 йилдан бери йилнинг биринчи уч ойида энг катта чорак пасайишларини қайд этди.

Коронавируснинг таъсир даражаси ва давомийлиги ноаниқлиги шароитида инвесторлар ҳукуматларнинг уни тўхтатишга доир чораларидан хавотирга тушишмоқда. Бунга жавобан кўплаб мамлакатларда бир қатор давомли иқтисодий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Уларга ҳамоҳанг равишда халқаро ташкилотлар ҳам муҳим қарорларни қабул қилишмоқда.

Ҳозирги кунда дунё молиявий бозорларида битимлар камиши, чегараларнинг ёпилиши, аҳоли қатновининг тўхташи натижасида истеъмол ҳам, ишлаб чиқариш ҳам пасаймоқда. Бу, биринчи навбатда, жаҳон савдоси суръатларининг пасайишини англатади. Шу муносабат билан ХВЖ ва Жаҳон банки коронавирусга қарши курашиш мақсадида ривожланаётган ва камбағал мамлакатларга салкам 50 млрд. АҚШ доллари миқдорида кредит малағлари ажратиш борасида қарор қабул қилди.

Европа Иттифоқи (ЕИ) давлатлари, Буюк Британия, шунингдек, ЕИга кирмайдиган (Швейцария) мамлакатлар COVID-19нинг Европа ҳудудида келтириб чиқарган иқтисодий оқибатларини бартараф этиш йўлида 1,7 триллион евро ажратишларини эълон қилди [6] (3-расм). Европа Марказий банки (ЕЦБ) пандемия даврида евро ни барқарорлаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида 750 млрд. евро миқдоридаги активларни сотиб олиш дастурини тасдиқлади. Бундан ташқари, Европа Комиссияси тегишли ҳукумат томонидан зарар кўрган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва жамоат харажатларини рағбатлантиришда бюджет қоидалари бўйича янада энгил сиёсатни олиб боришга розилик берди ва бу мақсадда 25 млрд. евро миқдоридаги инвестиция фондиди ташкил қилди [7].



3-расм. Европа иттифоқига аъзо ва аъзо бўлмаган бир нечта европа мамлакатлари томонидан ажратилган 1.7 триллион евро қўтқарув пакетининг тақсимоли (млрд. евро ҳисобида) [6].

3-расмда келтирилганидек, ЕИнинг етакчи аъзо давлати ҳисобланган Германия Европа давлатлари ичида коронавирусга қарши курашишда энг кўп маблағ ажратди. Германия давлат ривожланиш банки (KfW) пандемиядан азият чеккан компанияларга “урушдан кейинги энг катта ёрдам пакети” номи остида 550 млрд. евро миқдориди кредит ажратди [8]. Германиянинг Федерал парламенти (Бунденстаг) томонидан вирус тўғрисида ишлай олмайдиган ёки касаланган ишчиларга компенсация тўлаш учун қисқа муддатли ишларни субсидиялаш дастурини қабул қилинди [9, 10].

Шунингдек, коронавирус келтириб чиқарган иқтисодий оқибатларни бартараф этишда ЕИнинг аъзо давлатлари бўлган Франция 345 млрд. евро, Испания 200 млрд. евро ва Италия 25 млрд. евро пул маблағлари бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилишини ваъда қилди [6].

Бугунги кунда коронавирусдан энг кўп азият чекаётган Европа давлатларидан бири сифатида Буюк Британиянинг коронавирус оқибатларини бартараф этишда намуна бўла оладиган чора-тадбирларни амалга оширолмақда. Хусусан, Буюк Британия Канслери Риши Сунак молиявий қийинчиликларга дуч келганларга ёрдам бериш учун 330 млрд. фунт стерлинг миқдориди фавқулодда кредит кафолатлари тўпламини эълон қилди [11, 12]. Олдинроқ, Буюк Британия тадбиркорлик фаолияти субъектларининг инқироз ёқасидан сақлаб қолиш мақсадида берилган 7 млрд. фунт стерлинг молиявий ёрдам маблағидан кейин эса, 20 млрд. фунт стерлинг миқдориди фискал ёрдам турини ҳам тақдим этди. Мазкур чора-тадбирлар мажмуасига қуйидагилар кирди:

- ҚҚС ва даромад солиғини тўлашни кечиктириш;
- кичик ва ўрта корхоналарининг ишчилари учун касалик тўлови бўйича ёрдам пакетини расмийлаштириш;
- Англиядаги барча чакана савдо, меҳмонхоналар, дам олиш ва болалар боғчалари учун 12 ойлик меҳнат таътили тарифларини белгилаш;
- кичик бизнес учун имтиёз ёки қишлоқ жойларида имтиёзни олиш учун барча бизнес учун 10,000 фунт стерлинг миқдориди кичик бизнес грантларини ажратиш;
- 15 000 дан 51,000 фунт стерлинггача солиқ тўлайдиган мулкка эга бўлган чакана савдо, меҳмонхона ва дам олиш масканлари фаолиятини қўллаб қувватлаш учун 25,000 фунт стерлинг миқдориди грант маблағларини ажратиш;
- коронавирусга қарши курашишда Бизнесга кредит ажратиш дастури Британия Бизнес Банки орқали кичик бизнес ва ўрта бизнес субъектлари учун 5 миллион фунт стерлинггача бўлган кредитларни тақдим этиш;
- Англия Банкидан йирик фирмалар ўртасида ликвидликни қўллаб-қувватлаш, уларга кредитлар орқали нақд пул оқимларига коронавирус таъсирини камайитиришга ёрдам берадиган янги кредитлаш механизми ишлаб чиқиш.

Англия Банки COVID-19 таъсирини сусайтириш мақсадида [13], шунингдек, ҳолдан тойган инвесторларнинг ишончини сақлаб қолиш учун, қайта молиялаштириш ставкасини 0,1 фоизгача пасайтирди. Бу жаҳон иқтисодиётида мисли кўрилмаган чора-тадбирлардан биттаси бўлди [14].

2020 йил 20 мартда Буюк Британия Канслери ҳукумат иш берувчилар томонидан иш жойлари сақланиб туриладиган ходимлар иш ҳақининг 80 фоизгача (ойига 2,500 фунт стерлинггача) тўлашини эълон қилди [15]. Лекин, ҳукумат томонидан коронавируснинг оқибатларини бартараф этиш йўлида олиб бораётган сиёсатида

камчиликлар ҳам мавжуд, жумладан, ишлаб чиқиладиган чора-тадбирларда ўзини-ўзи иш билан таъминлайдиган аҳоли вакиллари учун ҳеч қандай ёрдам чоралари, масалан, уларга касаллик учун тўловлар кўзда тутилмаган [16, 17].

Жаҳон иқтисодиётида етакчи фигура ҳисобланган АҚШнинг ҳам коравирус келтириб чиқарган ижтимоий-иқтисодий оқибатларни бартараф этиш бўйича амалга оширадиган чора-тадбирлари диққатга сазовордир. Хусусан, АҚШ Федерал Резерви (Fed) АҚШ иқтисодиётига ҳалокатли вируснинг зарбасини камайтириш мақсадида қайта молиялаштириш ставкасини 0,5 фоизга пасайтирди [18, 19]. 2020 йил 23 март куни, Федерал Резерв 125 миллиард долларлик облигацияларни сотиб олиш орқали молия бозорига ёрдам беришини эълон қилди. Шунингдек, Fed Main Street бизнеси учун 300 миллиард долларлик кредит бериш дастурини таклиф қилди [20]. Трамп маъмурияти 2020 йил 27 мартда [21] 2 триллион долларга тенг вирусга қарши ёрдам пакети – CARES Act [22] ни хавфсизлигини тaminлаш чораларини бошқарди ва шу пайтгача иқтисодиётни қўллаб-қувватлашга муваффақ бўлди.

Мазкур маблағ қуйидаги мақсадлар учун сафарбар этилиши кўзда тутилган:

- \$75,000 дан кам даромадга эга бўлган 17 ёшдан юқори ҳар бир Америкаликка ёки \$ 150,000 дан кам даромадга эга бўлган жуфтликка \$1200 берилади;
- 17 ёшгача бўлган ҳар бир бола учун \$500 берилади;
- Ишсизлик тўловини ҳафтасига \$600га ошириш, ишсизлик нафақасини беришни 13 ойгача узайтириш ва ўз-ўзини иш билан таъминлайдиган ва мустақил пудратчилар ҳуқуқини кенгайтириш белгиланган;
- талабаларнинг ссудаларини тўлаш 30 сентябргача жаримага тортилмасдан қолдирилади;
- май ойининг ўрталарига қадар федерал томонидан қўллаб-қувватланган ипотека кредитларини ундириб олишни тақиқлаш;
- ижарачининг тўрт ой давомида федерал уй-жой дастуридан ҳайдаб чиқарилишини тақиқлаш;
- \$25 млрд. озиқ-овқат ёрдамига йўналтирилади;
- соғлиқни сақлаш учун \$100 млрд. ажратилади;
- \$45 млрд. табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш жамғармасига (ҳимоя воситаларини етказиб беришга) йўналтирилади;
- \$29 млрд. грантлар ва 29 млрд. миқдоридagi ссудалар, қарз кафолатлари, акцизлар ва ёқилғи солиқлари бўйича имтиёзлар берилади;
- миллий хавфсизликка \$17 млрд. йўналтирилади;
- фермерларга \$14 млрд. ажратилади.

Шунингдек, АҚШ Ҳазначилик Бошқармаси томонидан кичик ва йирик бизнесга \$500 млрд. кредит берилиши маълум қилинди. Бундай ёрдамни оладиган корхоналар ўз ходимларининг 90 фоизини 30 сентябргача ушлаб туришлари шарт, 5 йил ичида ўз қарзларини қайтаришлари керак ва уларнинг кредитлари тўлиқ тўланганидан кейин бир йилгача дивидендлар бериш тақиқланади.

Кичик бизнес субъектларига \$377 млрд. кредит ва грантлар бериш, фавқулодда вазиятлар учун \$10 млрд. ва яна \$17 млрд. доллар мавжуд тўловларни кечиктиришга имкон бериш учун тақдим этиш маълум қилинди.

Осиё мамлакатларидан Хитой ва Япония эса COVID-19 пандемияси келтириб чиқарган ижтимоий-иқтисодий оқибатларни минималлаштириш учун Хитой Халқ

Банки (People's Bank of China) 240 млрд. АҚШ долларини ва Япония Банки (Bank of Japan) эса 43 млрд. АҚШ долларини банкларнинг ликвидлигини таъминлаш мақсадида тақдим этишди [18, 23].

G20 мамлакатлари раҳбарлари иқтисодий инқироз “V” кўринишдаги эгри чизиқ шаклига ўхшашлиги, чуқур, аммо, қисқа умрга эгали ва шундай экан, яна иқтисодиёт ўсиш ва тез оёққа туриш мумкинлигини кутишмоқда. Лекин, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотининг (OECD) Бош котиби жаноб Ангел Гуррия, G20 мамлакатлари раҳбарларининг фикрига қўшилмаган ҳолда, иқтисодий тикланиш йўлини “U” шаклидаги эгри чизиққа ўхшатиш мумкинлиги ва иқтисодий ҳаракатсизлик давридан қутулиш учун йиллар кетишини таъкидлади [24].

2. Нефт саноати

2020 йил 6 март куни Вена шаҳрида нефтни экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти ОПЕКга аъзо мамлакатлар ва аъзо бўлмаган мамлакатлар томонидан ўтгазилган йиғилишда Россиянинг нефт қазиб олишни қисқартиришдан бош тортишига Саудия Арабистони харидорларга фавқулодда чегирмалар бериш билан жавоб қайтарди [25].

ОПЕКнинг амалдаги етакчиси сифатида кўрилган Саудия нефт билан таъминлашни феврал ойига нисбатан чоракка оширди ва ишлаб чиқариш ҳажмини мисли кўрилмаган даражага олиб чиқди. Бу эса 30 йил ичида кузатилган бир кунлик энг кескин нархларнинг пасайишига олиб келди. 23-март куни Brent Crude нефт нархи 24 фоизга тушиб, баррели 34 долларга [26] ва кейинроқ эса 25,70 долларни ташкил қилди [27]. COVID-19 билан боғлиқ ўлимлар сонининг пасайиши нефт нархларининг бир мунча барқарорлашувига олиб келган бўлса ҳам, ҳали ҳам кўп ноаниқликлар мавжуд.

Коронавирус COVID-19нинг кескин тарқалиши нефтга бўлган талабни сусайтирган ҳолда, ушбу нефт нархлари уруши глобал иқтисодиёт учун жиддий оқибатларга олиб келиши кутилмоқда. Одатдагидек арзон нефт иқтисод учун устунлик вазифасини бажариши мумкин эди. Бироқ, нефт нархи кескин тушиб кетган шароитда ҳам кўроқ бензин сотиб олишга пул сарфлашнинг имкони йўқ, чунки аҳолига ижтимоий масофани сақлаш буюрилган ва шунингдек, бу масалада ишчилар тоифаси иш хавфсизлиги тўғрисида аниқ маълумотга эга эмаслар. Яъни COVID-19нинг қанча давом этиши номаълум бўлган шароитда, табиийки, улар жамғармаларини биринча галда кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўладиган маҳсулотларга сарфлашади.

Brent Crude бу Европада ва дунёнинг қолган қисмида фойдаланиладиган нефт учун стандартдир. Унинг нархи 21 АҚШ долларида пастга тушиб, 18 йил ичида кузатилган энг паст даражани қайд этди (4-расм).

Америка Қўшма Штатларида West Texas Intermediate (WTI) нефт баррелининг нархи тарихда биринчи марта салбий томонга ўзгарди.

COVID-19 пандемиясининг қанчалик узоқ давом этса нефт нархи ҳам пасайишда давом этади ва соҳага тарихда мисли кўрилмаган зарар етказди. Аммо, жаҳонда коронавирусдан азият чекаётган бир қанча мамлакатлар карантиндан босқичма-босқич чиқиш йўлини тутиб, фаолияти рухсат берилган саноат корхоналари, таълим муассасалари ва бошқа фаолият турларининг иш жараёни қайта йўлга қўйилиб, транспорт воситаларидан карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда ҳаракатланишига

рухсат этилмоқда. Табиийки бу ёқилғига бўлган талабни секин-аста ортишига олиб келади.


Сўнги 21 йилликда жаҳон бозоридаги энг паст даражадаги нефт нархи



4-расм. Brent Crude, бир баррел нефт учун АҚШ доллари [5].

3. Ишсизлик

Дунёнинг биринчи рақамли иқтисодиётига эга АҚШ иқтисодиёти мисли кўрилмаган даражада пасайди, бунга ҳамоҳанг тарзда ишсизлик энг юқори даражага чиқди. Карантин давридаги асосий синов аҳолининг бандлик даражаси тобора пасайиб бораётгани бўлиб турибди. Ишсизлик муаммоси кучайиб бораётгани ва унинг тикланиши келгусида узоқ муддат талаб қилишини инobatга олсак, аҳолининг бандлик кўрсаткичлари АҚШ учун жиддий муаммога айланиб, дунёдаги энг йирик иқтисодиётга етарлича таҳдид солмоқда.



5-расм. АҚШда 2020 йил янги ишсизлик тўғрисидаги даъволарнинг ҳафталик йиғиндиси [28]

АҚШда карантин чоралари туфайли юзага келаётган ишсизлик даражаси 1930-йилларда юз берган «Буюк тушкунлик»дан кейин мисли кўрилмаган кўрсаткич – 14,7 фоизга етди.

Сўнги бир ой ичида АҚШда 20 млн.дан ортиқ киши ишсизлик бўйича нафақа олиш учун ариза топширди (5-расм)[29].

«Буюк тушкунлик» даврида одамлар ўз ишини бутунлай йўқотган ва иш ўринларини қайта тиклашнинг мутлақо имкони бўлмаган. Ҳозир вазият бироз бошқача, ўн миллионлаб америкалик ишсизлар карантиндан сўнг ишга қайтиши мумкин. Уларнинг аксариятини вақтинча иш ҳақи тўланмайдиган таътилга чиққан дейиш ҳам мумкин.

Bloomberg ҳисоб-китобларига кўра, вақтинчалик ишсизлар ишсизлик ўсишининг деярли 80 фоизини ташкил қилади. Карантин чоралари бекор қилиниши билан уларнинг аксарияти дарҳол ишга қайтади. Бошқалар эса карантин тугагач, имтиёз туфайли ҳукуматдан қўшимча маблағ берилиши тўхтатилиши сабаб ишлай бошлайди.

Конгресс маъқуллаган ва Трамп томонидан имзоланган инқирозга қарши чоралар учун ажратилган ақл бовар қилмас қийматдаги 2 триллион доллар маблағдан бугун ишсизлик нафақасини олувчи ҳар бир ишсизга қўшимча равишда ҳафтасига 600 доллар тўланмоқда. Натижада ишсизлар учун тўланадиган умумий маблағ ҳафтасига ўртача 978 долларга етди.

Wall Street Journal нашри АҚШ меҳнат вазирлиги маълумотларига таяниб хабар беришича, АҚШда пандемия тўлқини пайдо бўлган пайтгача, бугун имтиёзли маблағ олиш ҳуқуқига эга бўлганларнинг ярми ҳафтасига 957 АҚШ долларидан камроқ даромад қилган.


Буюк Британияда эса 2020 йил март ойининг сўнги икки ҳафтасида 1 млн.га яқин одам ишсизлик бўйича нафақа олиш учун мурожаат қилди. Универсал кредитга бўлган талабларнинг кўпайиши ҳукуматнинг вирус тарқалишини чеклаш бўйича чоратадбирларни қўлаши, жумладан, клублар, ресторанлар ва кераксиз дўконларнинг ёпилишига олиб келди [28].

Россияга МДХ давлатларидан бориб ишловчи мигрантлар ҳар йили умумий 13 млрд. доллар пулни ўз мамлакатларига юборади. Лондондаги M&G Investments компанияси таҳлилчиси Элдор Воҳидовнинг сўзларига кўра, глобал кризис сабабли Россиядан пул ўтказмаларининг умумий ҳажми 30-40% га камайиши мумкин экан [30].

“Мамлакатлар Россиядан келадиган пулларнинг ўрнини қоплай олмайди ва ўз заҳираларидан фойдаланиши ёки ХВФдан ёрдам олишга ҳаракат қилиши мумкин” дейди эксперт элдор Воҳидов. Бу йил рубл долларга нисбатан 16% га пасайган, бу мигрантларнинг ўйга юборадиган ҳар қанақа пулини сусайтиради. “Унистрем” компаниясининг ҳисоботида кўра, 2020 йил март ойида меҳнат муҳожирлари томонидан юбориладиган пуллар ўтган йилнинг шу даврга нисбатан 30%га пасайган. Бу эса ЯИМнинг сезиларли даражада тушиб кетишига сабаб бўлади. Бу фақат мигрантлар юборадиган пулнинг таъсири. Бундан ташқари, МДХ давлатлари ва Россия – экспортимизда каттагина улушга эга мамлакатлар бўлиб, улардаги пасайиш бизнинг экспортни ҳам пасайтириб юборади.

Таниқли эксперт элдор Воҳидовнинг фикрича, Ўзбекистон ташқи қарз

даражасининг пастлиги ва катта олтин-валюта заҳиралари мавжудлиги сабабли Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида энг кучли позицияда экан.



6-расм. Россиядан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларига пул ўтказмаларининг ЯИМдаги улуши [30].

Шунингдек, иқтисод фанлари доктори, БМТ Ривожланиш дастурининг Ўзбекистондаги эксперти Сергей Воронин коронавирус тарқалишининг дунё ва Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири юзасидан knp.uz сайтида эълон қилган мақоласида бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтган [1]. Хусусан, мазкур мақолада Ўзбекистоннинг экспорт ва импорт ҳажмининг пасайиши, мамлакатимизга кириб келаётган сайёҳлар оқимининг камайиши, узоқ муддатли даврда Хитойга газ етказиб бериш ҳажмининг қисқариши мамлакатимиз иқтисодиёти учун катта хавф туғдириши, жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг ўтган йилларга нисбатан тушиб кетиши ҳақида атрофлича тўхталиб ўтган.

Лекин, шу ўринда эътиборга олишимиз лозим бўлган яна бир жиҳат бор. Бугунги кунда Россия Федерациясида 2,5 млн. нафардан зиёд Ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари меҳнат қилади ва улар ҳар йили ўрта ҳисобда мамлакатимизга 7 млрд. доллардан ошиқроқ пул маблағлари жўнатади.


Таҳлилчиларнинг фикрича, бу вазият яқин ойлар ичида ижобий томонга ўзгариши амри маҳол. Вазиятнинг бундай тус олиши меҳнат муҳожирларининг мамлакатга жўнатаётган пул ўтказмаларига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Маълумки, меҳнат муҳожирлари ҳисобига мамлакатимиз меҳнат бозоридаги вазият бир оз бўлсада, мувозанатлашгандир. Узоқ муддатли истиқболда вазият ўнганмаса, меҳнат муҳожирларининг ёппасига Ватанга қайтиши меҳнат бозорида жиддий муаммоларни келтириб чиқариши тайин.

4. Транспорт саноати

Коронавирус тарқалиши хавфининг ортиши оқибатида мамлакатлар чегараларни вақтинча ёпишга, кириш-чиқиш тизимини қаттиқ назорат қилишга мажбур бўлмоқдалар, бу эса, ўз навбатида, йўловчи ва юк ташиш борасида транспорт-логистик хизмат кўрсатувчи компанияларнинг молиявий ҳолатига катта салбий таъсир кўрсатади ва катта эҳтимол билан айтиш мумкинки, мазкур компанияларнинг каттагина қисми инқирозни бошидан кечиради.

Сайёҳлик соҳаси мисли кўрилмаган бекор қилиш тўлқини билан курашмоқда ва ҳукуматнинг ижтимоий чекловларни амалга ошириш ва кераксиз саёҳатларни чеклаш

бўйича қатъий кўрсатмаларига биноан талабнинг камайиши билан курашмоқда. Дунё миқёсида чегараларнинг ёпилиши кучаймоқда. АҚШда Хитой, Эрон, баъзи ЕИ мамлакатларидан келган барча чет эл фуқароларининг кириши тақиқланган. Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги Буюк Британия фуқароларига барча муҳим халқаро саёҳатларга чиқмасликни маслаҳат берди [31]. Европада ЕИ Комиссиясининг Президенти ЕИ ташқарисида бўлган барча муҳим бўлмаган саёҳатларни 30 кунга тўхтатиб қўйишни таклиф қилди. Саёҳатни тўхтатиб туриш Осиё ва Африка бўйлаб ҳам амалга оширилди [32].



7-расм. Дунёнинг айрим мамлакатларида авиаташувлар қувватининг пасайиши, (фоиз ҳисобида) [4].

Фикримизнинг тасдиғи сифатида шуни айтишимиз мумкинки, 2020 йилнинг март ойида авиаташувлар қуввати Тайванда 90,4%, Гонконгда 85,6%, Вьетнамда 85,9%, Таиландда 76,2%, Малайзияда 75,2%, Японияда 74,6%, Жанубий Кореяда 69,3 %, Россия Федератсиясида 67,4%, Канадада 58,2%, Камбоджада 45,5%гача пасайган (7-расм).

Америка авиакомпаниялари эса омон қолишни таъминлаш учун 25 млрд. долларлик грантлар, 25 млрд. доллар қарзлар ва солиқларнинг сезиларли даражада енгиллашишини ўз ичига олган ҳукумат ёрдамини олди [33]. Буюк Британия авиакомпаниялари, шунингдек, кенг кўламли ёпилишнинг олдини олиш учун ҳукуматдан 7,5 млрд. фунт стерлинг ёрдам сўрашди [34].

Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси (IATA) маълумотларига кўра, пандемиянинг тарқалиш шиддатидан келиб чиққан ҳолда, дунё авиакомпанияларининг 2020 йилдаги йўқотишлари 63-113 млрд. долларни ташкил этиши мумкин. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси учун ҳам бу ҳолат хосдир.

5. Туризм

Туризм соҳаси ривожланаётган мамлакатлар учун бандлик, валюта ва солиқ тушумларининг асосий манбаи ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларда сайёҳик даромадларнинг валюта оқими хорижий донорлардан олинган барча ёрдам оқимларидан анча катта. “World Travel & Tourism Council” маълумотларига кўра, саёҳат ва туризм учун сарфланган ҳар бир доллар уч доллардан ортиқ иқтисодий даромад келтиради. Дунё бўйлаб ушбу соҳада 100 млн.дан ортиқ ишчи

ишлайди, юқори сифатли меҳмонхоналар бюджет меҳмонхоналаридан икки баробар кўп иш ўринлари яратади.

Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO) томонидан сайёҳлар сони 2020 йилга бориб йилига 1,6 млрд. кишига кўпайиши, бу эса халқаро туризмдан нақд пул тушуми 2020 йилга бориб 2 трлн. АҚШ долларидан ортишига олиб келиши прогноз қилинган бўлса, бугунги кунга келиб, жаҳон сайёҳик хизматлар бозоридаги вазият салбий тус олиши аниқ бўлиб қолиб, COVID-19 пандемиясининг оқибатлари ўлароқ, 4 ой ичида дунё туризм бизнеси 500 млрд. АҚШ доллари йўқотишга улгурди. 2018 йилда 150 млн. Хитой фуқаролари дунё мамлакатларига сайёҳ сифатида чиққан ва 277 млрд доллар маблағ сарфлаган. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) маълумотларига кўра, ҳар йили Хитойга 60 млн. дан ортиқ, Францияга 86,9 млн., Испанияга 81,8 млн., АҚШга 76,9 млн., Италияга 58 млн. дан кўпроқ сайёҳ ташриф буюради.

Коронавирус пандемиясининг дунё мамлакатлари бўйлаб кенг тарқалиши асносида сайёҳик хизматлар бозори жуда катта инқирозни бошидан кечиради. Хусусан, бугунги кунга келиб, хорижий сайёҳларни энг кўп қабул қилувчи ЕИ мамлакатларидан бири бўлган Франция Халқаро валюта фондининг маълумотларига кўра, 2020 йилнинг февраль-март ойларида мамлакатда юзага келган пандемия оқибатида 2 ой ичида Франциянинг иқтисодий зарари 372 млрд. АҚШ долларига етганлигини маълум қилинди.

Бироқ, ҳозирги аҳвол камида июн ойигача давом этиши кутилмоқда ва миллий иқтисодиётнинг 2020 йилдаги ҳолати 2019 йилга нисбатан камида 25 фоизга пасайиши прогноз қилинмоқда. Бу ҳолат 1945 йилдан буён, яъни 75 йилдаги энг оғир иқтисодий инқироз даврини бошидан кечирмоқда.

Мамлакат айна пайтда “карантин даври”ни бошидан кечирмоқда. Ишлаб чиқариш 70 фоизгача қисқарган, 18 млн. ишчи вақтинчалик “мажбурий таътил”га чиқариб юборилган. Мамлакат Италия ва Испания билан чегарасини “маҳкам” ёпган. Шунингдек, сайёҳларни қабул қилиш бўйича ЕИнинг кейинги йирик етакчи давлатлардан бири Италия сайёҳлик бизнес вакиллари уюшмасининг раҳбари Витторио Мессинанинг сўзларига кўра, коронавирус туфайли 1,6 млрд евро ва 13 млн.дан кўпроқ сайёҳларни йўқотиши мумкинлиги башорат қилинмоқда.

6. Таълим

COVID-19 пандемияси мактабгача таълимдан тортиб олий таълимгача бўлган барча даражадаги таълим тизимига ўз таъсирини кўрсатди. Турли давлатлар турлича чора-тадбир қўллашмоқда, хусусан, Германия ва Италияда [35] тўлиқ ёпилиш, Буюк Британиядаги барча аммо асосий саноат корхоналари ишчиларини иш фаолиятини вақтинчалик тўхтатиш [36], 100 дан ортиқ мамлакатларда эса таълим муассасалари мамлакат бўйлаб барчаси ёпилди. ЮНЕСКОнинг ҳисоб-китобларига кўра, 900 млн.га яқин ўқувчилар ўқув юртларининг ёпилишидан азият чекмоқда [37].

Мазкур ёпилишлардан мақсад соғлиқни сақлаш асосида вирусни муассасалар ичида тарқалишининг олдини олиш ҳамда бошқа заиф одамларни бу вирусни юқтириб олишига йўл қўймаслик бўлса, иккинчи томондан ушбу ёпилишлар кенг ижтимоий-иқтисодий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Ушбу оқибатларнинг баъзилари кўп мамлакатларда кам таъминланган оилалар фарзандлари учун бепул бериладиган мактаб овқатидан маҳруб бўлиш, талабаларлар ўқув юртлари ёпилиши ва карантин чора-тадбирлари босқичма-босқич юмшатилиши ҳамда таълим

муассасаларининг очилиши натижасида талабаларнинг яна ўқишга қайтиб келиш даражасига ўз таъсирин кўрсатмасдан қолмади. Бундан ташқари, одамлар ўртасида номунатосиблик шароити юзага келди, яъни, кўп ҳолларда, фақат юқори даромадли оилаларгина ижтимоий изоляция ҳолатида ҳам таълимни рақамли равишда сифатли давом эттириш имконини берадиган технологиялардан фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Сўнги пайтларда Дубайда 13,900 киши хусусий мактаб тўловларини 30 %га тушириш тўғрисидаги петицияни қўллаб-қувватладилар, чунки, ота-оналар сўнги ойлардаги иш ҳақининг 50 %га тушиши ва яшаш харажатларининг юқорилиги шароитида ушбу маблағлар манбаларини топишга қийналмоқда [38].

Мактабларнинг узоқ муддатли ёпилишининг таъсири ҳали бугунгача учратилмаган, аммо, Тайванда 2009 йилдаги H1N1 вирусининг тарқалиши натижасида бир ҳафталик мактабларнинг ёпилиши бўйича ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, оилаларнинг 27 фоизи вируснинг тўғридан-тўғри таъсири ўлароқ ишга бора олмаган, 6433 АҚШ доллари миқдорида иш ҳақидан маҳрум бўлиш бу аҳоли даромадининг 18% ни йўқолишига олиб келган ва бу битта мактабнинг ёпилишидан кўрилган зарар эди, шунингдек, вируснинг тарқалиши мактаб ходимларига сезиларли таъсир кўрсатган [39].

Брукингз Институти томонидан АҚШнинг йирик шаҳарлари ва бутун мамлакат бўйлаб ёпилишларни моделлаштириш бўйича тадқиқот ўтказди ва бир ҳафтада бир талаба ўртача 142 доллар сарфлаши маълум бўлди [40]. Кейинчалик бу изланишлар шуни кўрсатдики, Нью-Йорк шаҳрининг тўрт ҳафталик ёпилишидан 1,1 млрд. долларлик иқтисодий зарар етказилиши ва мамлакат бўйлаб 12 ҳафта давомида ёпилишлар АҚШ ЯИМнинг 1 %и йўқотилишига олиб келиши аниқланди. Буюк Британиядаги ҳисоб-китобларга кўра, узайтирилган ёпилиш Буюк Британия ЯИМнинг 3 %ни ташкил қилиши мумкин [41]. Бироқ, Врен-Люис ушбу таъсир қисқа вақт давом этади, деган фикрни илгари суради, чунки, унинг сабаби маълум, шунинг учун нормал иқтисодий рецессиядан фарқли ўлароқ, унинг тугаш нуқтаси аниқ, деб ўз фикрини билдирган [42].

Бундан ташқари, Аспирантурадаги тадқиқот жамияти аъзоларига вирус катта таъсир кўрсати десак ҳам муболаға бўлмади, чунки, COVID-19 билан боғлиқ бўлмаган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари тўхтатилди. Жумладан, Буюк Британияда соғлиқни сақлаш бўйича тадқиқотларни молиявлаштириш бўйича миллий орган COVID-19 билан боғлиқ бўлмаган барча тадқиқотларни тўхтатиб қўйди [43].

Қўшма Штатларда, Миллий Соғлиқни Сақлаш институти томонидан барча муҳим бўлмаган тадқиқотларни “танқидий миссия” тадқиқоти учун ходимларни бўшатиш мақсадида тўхтатиш чоралари кўрилди [44]. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги тадқиқотлардан ташқари, кўплаб гуманитар, ижтимоий фанлар ва бошқа тадқиқотлар Гарвард университетининг Санъат ва фанлар факултетидеги барча лабораторияларни ёпиши билан бутунлай тўхтатилди [45].

Бундан ташқари, бекор қилинган ёки кейинга қолдирилган кўплаб илмий конференциялар ҳақида хавотирлар пайдо бўлди [46]. Ушбу конференциялар кўплаб фанлар бўйича илмий тадқиқотлар учун калит бўлиб, тадқиқот ишларини олиб бориш, шунингдек, ҳамкорлик ва иш излаш учун тармоқ имкониятларини тақдим этади. Кўпгина илмий конференциялар Интернетга кўчди, аммо бу “виртуал

конференциялар” базан тадқиқотчиларни тармоққа киришга имкон бермайдиган техник носозликлар билан қийнаб турибди ва бу илмий алоқанинг 100% самарали ташкил қилиниш имконини бермаяпти.

7. Спорт

COVID-19 спорт жадвалига сезиларли таъсир кўрсатмоқда, чунки дунёдаги баъзи йирик спорт тадбирлари 2020 йилда бўлиши режалаштирилган эди. Булардан масалан: футболнинг жуда кўп кутилган Евро-2020 мусобақаси 12 ойга қолдирилди, play-off ўйинлари эса 2020 йил июнига қолдирилди. Халқаро Олимпия Қўмитаси Токио 2020 Олимпиадасини шу ёзда кечиктирмасдан ўтказишга қарор қилга эди. Аммо, энди улар ўйинларни 2021 йилга кечиктириш тўғрисида қарор қабул қилишди [47, 48]. Шунга ўхшаш тарзда, Австралиянинг Formula-1 Gran-prisi ҳам кейинга қолдирилди. Шунингдек, голф, теннис, енгил атлетика, баскетбол, регби, велосипед, бокс, конкида учиш ва бошқа бир қанча спорт мусобақалари ҳам вируснинг тарқалишини олдини олиш мақсадида кейинга қолдирилди. Шубҳасиз, бу жиддий молиявий қийинчиликларни келтириб чиқаради. Лекин, ҳозирча унинг спорт саноатига қанча зарар келтириши аниқ эмас.

Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган инқирозли ҳолатнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки:

биринчидан, юзага келган мураккаб иқтисодий вазият банк ва молия секторидаги қандайдир инқирозли ҳолат натижаси эмас ҳамда фискал ёки монетар сиёсат орқали унинг тўлиқ ечимини таъминлаш имконияти чекланган. Мавжуд вазият, энг биринчи навбатда “инсоний” ёки “инсон соғлиги инқирози” билан боғлиқ;

иккинчидан, одатда инқирозлар талаб (банк тизимидаги инқироз ва кредитларнинг секинлашуви, ёки давлат қарзининг ошиб кетиши натижасида харажатларнинг қисқариши, даромадларнинг камайиб кетиши) ёки таклифнинг яъни, ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариши (уруш ва табиий офатлар, қарз инқирозлари ва ҳ.к.) билан боғлиқ омилларнинг бири таъсирида юзага келади. Амалдаги иқтисодий вазиятнинг мураккаблиги, бир пайтнинг ўзида талаб ва таклифнинг қисқариши билан изоҳланади;

учинчидан, коронавирус пандемиясининг тўхтатилиши ва ундан кейинги босқичда чекловларнинг олиб ташланиши ҳамда ушбу касаллик тарқалишининг иккинчи тўлқини билан боғлиқ юқори даражадаги ноаниқликларнинг мавжудлиги: (а) бизнес субъектлари учун ишлаб чиқариш ва инвестицион лойиҳалар бўйича; (б) аҳолининг истеъмол фаоллигига; ҳамда (в) ҳукуматлар томонидан фискал ва монетар қўллаб қуватлаш, ташқи ва ички қарзлани жалб қилиш, ижтимоий ҳимоя ҳажми ва дастурларини белгилаш борасида аниқ қарорларни қабул қилишда қийинчиликларни келтириб чиқармоқда [2].

Хулоса

Коронавирус COVID-19 пандемиясининг жаҳон мамлакатлари қатори мамлакатимизда юзага келтирган ижтимоий-иқтисодий оқибатларини юмшатиш вазифаси, биринчи галда, ушбу вируснинг аҳоли соғлигига таъсирини минималлаштириш, ушбу борада барча тармоқлар ва фаолият турларига киритилган чекловларни эҳтиёткорлик билан босқичма-босқич олиб ташлаш ва келгусидаги вазиятни имкон қадар аниқроқ баҳолай олиш орқали инқироздан кейинги иқтисодий тикланиш сиёсатини тўғри шакллантириш ва амалга оширишдан иборат бўлади.

Мақоламиз мавзуси ўлароқ, олиб борган тадқиқотимиз натижасида короновирус COVID-19 пандемияси туфайли мамлакатимизда юзага келган ижтимоий-иқтисодий вазиятни имкон даражасида минималлаштириш мақсадида қўйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

1. Банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш керак. Бунинг учун, аҳолининг бўш маблағларини банкга жалб қилишда ностандарт қарорларни қабул қилиш керак бўлади. Жумладан, Люксембург, Женева, Цюрих (Швейцария) ёки Лихтенштейн тажрибалари бунинг ёрқин мисолдир. Ўзбекистонда 2009 йилда Люксембург тажрибаси асосида яъни банкга бир жорий молия йили давомида жалб қилинган барча молиявий қўйилмаларни ёки депозитларнинг манбаси сўралмаслиги бўйича қарор мавжуд бўлган. Бу чора аҳолининг бўш маблағларини банкга қўйиш учун мотивация беради, аммо, бу иқтисодий жиноятларни келтириб чиқариши, ноқонуний пулрани легаллаштириш муаммосини келтириб чиқариши мумкин, лекин, маълум бир вақт давомида банкларнинг капиталлашув даражасини ошириб беришга хизмат қилади. Шунингдек, таклифимизнинг давоми сифатида шунини таъкидлашимиз керакки, ушбу молиявий қўйилмалардан шакллантирилган пул маблағлари кичик бизнесга кредит сифатида йўналтирилиши кўпроқ мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2. Кичик бизнес учун имтиёзли кредитларни ишлаб чиқиш керак ва бунда иккита нарсага аҳамият бериш керак: биринчиси, қайта молиялаштириш ставкасидан паст имтиёзли кредитларни бериш керак ва ўша қайта молиялаштириш қисмига етмаган қисмини молия вазирлиги ва марказий банк орқали молиялаштириш керак. Бу субсидия беришдан кўра самаралироқ ҳисобланади. Чунки, субсидияларнинг қайтарилмаслиги кичик бизнесга унчалик катта мотивация бермайди ва бу давлат учун катта молиявий зарарларга олиб келиши мумкин. Бу масаланинг иккинчи тарафи асосан кредит тизимини содаллаштиришга қаратилган. Яъни кичик бизнесда ҳужжатлаштириш, бизнесни ташкил қилиш ва патентлаш жараёнини содаллаштириш кўзда тутилади. Қайта молиялаштириш ставкасидан паст бўлган имтиёзли кредитларни беришда жаҳон амалиётидан Бангладешни кўришимиз мумкин. 2007 йилда Муҳаммад Юнуснинг ғояси асосида кичик бизнес учун фоизсиз кредитлар берилиши бошланган, мана шу жараёнда ушбу схемаси учун Муҳаммад Юнусга нобел мукофоти берилган. Бу фоизсиз ва ўта имтиёзли кредитлар эди. Мазкур тизимни олиб кириш масадга мувофиқ бўлади. Ушбу тизимни ҳимоялаш мақсадида масалан ҳунармандчилик, косибчилик ва касаначиликни ривожлантиришда айнан улар фойдаланадиган воситаларга пул ўтказиб берилса бизнесни тامينланганлик даражаси ва банкнинг ҳимоялаганлик даражаси ошиши мумкин. Чунки, пандемия шароитида давлат қўшимча иш ўринларини яратиши мураккаб жараёнга айланган. Биринчидан, маълум бир вақт давомида асосий иш қатламини шакллантирадиган соҳаларидан бири ресторан ва туризм бизнесининг яқин бир-икки йил ичида ўзини чўқисини тиклай олмаслиги ва мукамал ривожланиш даврига киролмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳоли иш ўринларини яратишда уларни кичик бизнесга бир киши, икки киши ёки уч кишидан иборат кичик бизнес фаолиятига йўналтирилса мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш керак. Бунда, энг аввало моддий техник базани яхшилаб олиш, яъни интернет тезлигини яхшилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун, асосий маблағ моддий техник база, интернет тезлиги ва бошқа

масалаларга йўналтирилса айтайлик ўша интернет тезлиги бўйича мамлакатни давлат маблағлари ва хорижий сармоялар эвазига интернет тезлиги бўйича дастлабки 50 та мамлакат қаторига кириб олиши рақамли иқтисодиётнинг қолган йўналишларини ҳам ривожлантиришга олиб келади. Асосий таклиф рақамли иқтичодиётнинг барча йўналишларини эмас, бу ерда ўша даромадларни тақсимланишида баъзи бир йўналишлар маълум бир маблағсиз қолиб кетиши мумкин, шуниинг учун, асосий маблағни, давлатнинг асосий нормативларини ва асосий инвестицияга бўлган талабни рақамли иқтисодиётнинг моддий техник база ёки интернет тезлигини ошириш масаласига қаратиши лозим.

4.Пандемия шароитида масофавий интеграцияни ривожлантириш керак. Албатта бу жараён кейинчалик интеграцион жараёнларга маълум бир даражада путр етказиши мумкин. Бундан кейин икки уч йил давомида интеграцион жараёнлар қийинлашади ва энг асосийси ишчи кучи миграцияси, халқаро капитал ҳаракати қийинлашади. Лекин, шу вақт билан бирга масофавий интеграция ривожланади. Демак бунда, халқаро электрон пуллар ҳаракати, элетрон пулларни соддалашиши, муомиладги пулларни нақдсиз кўриигша келиши, пул айланиш тезлиги, маълуб бир операцияларни рақамли иқтисодиётда кўриниши ҳолатлари юзага келади. Масофавий интеграцияни шаклантиришда мамлакатни электрон савдога ихтисослашиши муҳим ҳисобланади. Маълумки, мамлакатимизда ишчи кучининг маълум бир қисми карантин эълон қилингунича асосан кунлик хизматларда ишлаб бандлигини таминлар эди. Шундан келиб чиқсак, пандемиянинг иккинчи тўлқини келиши хавфи бор жараёнда яъни, октябр-ноябр ойларида дуч келишимиз манашу яъни, транспорт хизматлари, бошқа маиший хизматлар ва туризм хизматларини яна ёпилишига олиб келиши мумкин. Мазкур шароитда бизда олти-етти ой мобайнида аҳолини электрон бизнесга бўлган салоҳиятини ошириш керак. Бунинг учун, хорижий компаниялар кириб келган, агар давлат электрон бизнесга нисбатан импорт имтиёзларини берадиган бўлса, бу электрон бизнеслар ўз фаолиятини янаям самаралироқ амалга оширишга ҳаракат қилади ва аҳолини кўпроқ қисмини қамраб олишга интилади. Бундан кўзланган асосий мақсад бандликни таминлаш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://sof.uz/uz/tag/koronavirus>
- 2.Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камағаликни қисқартириш вазирлигининг республика иқтисодиётидаги жорий ҳолат ва кутилаётган тенденциялар 2020 йил апрел ойи бўйича ҳисоботидан
3. <https://www.unido.org/stories/coronavirus-economic-impact>
4. <https://sof.uz/uz/post/koronavirus-inqirozi-ozbekiston-undan-qanday-chiqadi>
5. Bloomberg, 27 April 2020, 07:00 GMT
6. Europe's economic rescue packages worth combined €1.7tn | World news | The Guardian[Internet]. [cited 2020 Mar 20]. Available from: <https://www.theguardian.com/world/2020/mar/19/europes-economic-rescue-packages-worth-combined-17tn>
7. Buck T, Arnold M, Chazan G, Cookson C. Coronavirus declared a pandemic as fears of economic crisis mount [Internet]. 2020 [cited 2020 Mar 19]. Available

from: <https://www.ft.com/content/d72f1e54-6396-11ea-b3f3-fe4680ea68b5>

8. Germany unleashes biggest post-war aid package against virus [Internet]. CNA. [cited 2020 Mar 20]. Available from: <https://www.channelnewsasia.com/news/business/germany-unleashes-biggest-post-war-aid-package-coronavirus-12536540>

9. COVID-19 Update: Germany to Give Easier Access to State-Funded Short-Time Working Allowance | Orrick - Global Employment Law Group - JDSupra [Internet]. [cited 2020 Mar 20]. Available from: <https://www.jdsupra.com/legalnews/covid-19-update-germany-to-give-easier-36702/>

10. Kurzarbeitergeld: Übersicht - Bundesagentur für Arbeit [Internet]. [cited 2020 Mar 20]. Available from: <https://www.arbeitsagentur.de/unternehmen/finanziell/kurzarbeitergeld-uebersicht-kurzarbeitergeldformen>

11. Support for those affected by COVID-19 [Internet]. GOV.UK. [cited 2020 Mar 19]. Available from: <https://www.gov.uk/government/publications/support-for-those-affected-by-covid-19/support-for-those-affected-by-covid-19>

12. Chancellor unveils £350bn lifeline for economy. BBC News [Internet]. 2020 Mar 17 [cited 2020 Mar 20]; Available from: <https://www.bbc.com/news/business-51935467>

13. Harding L, Ashworth L. Markets climb higher after Bank of England goes 'all in' with further interest rate cut – live updates. The Telegraph [Internet]. 2020 Mar 19 [cited 2020 Mar 19]; Available from: <https://www.telegraph.co.uk/business/2020/03/19/markets-live-latest-news-pound-euro-ftse-100/>

14. The economic impact of coronavirus: analysis from Imperial experts | Imperial News | Imperial College London [Internet]. Imperial News. [cited 2020 Apr 6]. Available from: <https://www.imperial.ac.uk/news/196514/the-economic-impact-coronavirus-analysis-from/>

15. UK to pay wages for workers facing job losses. BBC News [Internet]. 2020 Mar 20 [cited 2020 Mar 22]; Available from: <https://www.bbc.com/news/business-51982005>

16. COVID-19: support for businesses [Internet]. GOV.UK. [cited 2020 Mar 22]. Available from: <https://www.gov.uk/government/publications/guidance-to-employers-and-businesses-about-covid-19/covid-19-support-for-businesses>

17. Coronavirus: Ministers urged to assist 'forgotten' self-employed [Internet]. Sky News. [cited 2020 Mar 22]. Available from: <https://news.sky.com/story/coronavirus-ministers-urged-to-assist-forgotten-self-employed-11961485>

18. Banking and capital markets: Implications of COVID-19 | Deloitte Insights [Internet]. [cited 2020 Mar 20]. Available from: <https://www2.deloitte.com/global/en/insights/economy/covid-19/banking-and-capital-markets-impact-covid-19.html>

19. Smialek J. Fed Official Says Central Bankers Are Aligned in Coronavirus Response. The New York Times [Internet]. 2020 Mar 5 [cited 2020 Mar 20]; Available from: <https://www.nytimes.com/2020/03/05/business/economy/fed-rate-cut-coronavirus.html>

20. Daily IB. Dow Jones Today, Stocks Drop: Fed Stimulus; New York, California Lockdown; NYSE Floor Closes [Internet]. Investor's Business Daily. 2020 [cited 2020 Mar 23]. Available from: <https://www.investors.com/market-trend/stock-market-today/dow-jones-today-futures-slide-fed-stimulus-impasse-new-york-california-lockdown-nyse-floor-closes/>

21. Related Bills - S.3548 - 354116th Congress (2019-2020): CARES Act | Congress.gov | Library of Congress [Internet]. [cited 2020 Apr 7]. Available

from: <https://www.congress.gov/bill/116th-congress/senate-bill/3548/related-bills>

22. The Anatomy of the \$2 Trillion COVID-19 Stimulus Bill - Visual Capitalist [Internet]. [cited 2020 Apr 7]. Available from: <https://www.visualcapitalist.com/the-anatomy-of-the-2-trillion-covid-19-stimulus-bill/>

23. Bank of Japan pumps \$43b in liquidity, largest amount since 2008, Economy News & Top Stories - The Straits Times [Internet]. [cited 2020 Apr 6]. Available from: <https://www.straitstimes.com/business/economy/bank-of-japan-pumps-43b-in-liquidity-largest-amount-since-2008>

24. Jack SPC Simon. Global economy will suffer for 'years to come'. BBC News [Internet]. 2020 Mar 23 [cited 2020 Mar 23]; Available from: <https://www.bbc.com/news/business-52000219>

25. OPEC's pact with Russia falls apart, sending oil into tailspin. Reuters [Internet]. 2020Mar 6 [cited 2020 Mar 23]; Available from: <https://www.reuters.com/article/us-opec-meeting-idUSKBN20T0Y2>

26. Oil Prices, Stocks Plunge After Saudi Arabia Stuns World With Massive Discounts [Internet]. NPR.org. [cited 2020 Mar 23]. Available from: <https://www.npr.org/2020/03/08/813439501/saudi-arabia-stuns-world-with-massive-discount-in-oil-sold-to-asia-europe-and-u->

27. GmbH finanzen net. 'There is no escape': Stocks, oil, and bitcoin plunge as US lawmakers fight over coronavirus rescue package | Markets Insider [Internet]. markets.businessinsider.com. [cited 2020 Mar 23]. Available from: <https://markets.businessinsider.com/news/stocks/no-escape-stocks-oil-bitcoin-plunge-senate-argues-coronavirus-bill-2020-3-1029021850>

28. Manba: US Bureau of Labor Statistics, 30 April 2020, 07:00 GMT

29. <https://www.bbc.com/news/amp/business-51706225>

30. (<https://www.bloomberg.com/news/articles/2020-04-14/russia-s-coming-crisis-puts-13-billion-of-remittances-at-risk>)

31. Britons urged to avoid non-essential travel abroad. BBC News [Internet]. 2020 Mar 17 [cited 2020 Mar 20]; Available from: <https://www.bbc.com/news/uk-51924405>

32. Coronavirus travel updates: which countries have restrictions and FCO warnings in place? | Travel | The Guardian [Internet]. [cited 2020 Mar 20]. Available from: <https://www.theguardian.com/travel/2020/mar/19/coronavirus-travel-updates-which-countries-have-restrictions-and-fco-warnings-in-place> Google Scholar

33. U.S. airlines seek \$50 billion coronavirus bailout to avoid collapse. Reuters [Internet]. 2020Mar16[cited2020Mar20]; Available from: <https://in.reuters.com/article/uk-health-coronavirus-usa-aviation-idINKBN21337Q>

34. UK airlines call for multibillion bailout to survive Covid-19 crisis | World news | The Guardian [Internet]. [cited 2020 Mar 20]. Available from: <https://www.theguardian.com/world/2020/mar/15/uk-airlines-call-for-multibillion-bailout-to-survive-covid-19-crisis>

35. Unterricht an bayerischen Schulen wird eingestellt [Internet]. Bayerisches Staatsministerium für Unterricht und Kultus. [cited 2020 Mar 20]. Available from: <https://www.km.bayern.de/allgemein/meldung/6901/unterricht-an-bayerischen-schulen-wird-eingestellt.html>

36. Guidance for schools, childcare providers, colleges and local authorities in England

on maintaining educational provision [Internet]. GOV.UK. [cited 2020 Mar 20]. Available from: <https://www.gov.uk/government/publications/coronavirus-covid-19-maintaining-educational-provision/guidance-for-schools-colleges-and-local-authorities-on-maintaining-educational-provision> Google Scholar

37. <https://plus.google.com/+UNESCO>. COVID-19 Educational Disruption and Response [Internet]. UNESCO. 2020 [cited 2020 Mar 20]. Available from: <https://en.unesco.org/themes/education-emergencies/coronavirus-school-closures> Google Scholar

38. Expats in Dubai call for cut in their children's school fees [Internet]. Ft.com. 2020 [cited 8 April 2020]. Available from: <https://www.ft.com/content/c9f83ca9-9107-436f-864b-da1b7e28f56f> Google Scholar

39. Social and economic impact of school closure resulting from pandemic influenza A/H1N1 - Journal of Infection [Internet]. [cited 2020 Mar 20]. Available from: [https://www.journalofinfection.com/article/S0163-4453\(11\)00008-9/fulltext](https://www.journalofinfection.com/article/S0163-4453(11)00008-9/fulltext)

40. 0930_school_closure_presentation.pdf [Internet]. [cited 2020 Mar 20]. Available from: https://www.brookings.edu/wpcontent/uploads/2016/06/0930_school_closure_presentation.pdf Google Scholar

41. M.R. Keogh-Brown, S. Wren-Lewis, W.J. Edmunds, P. Beutels, R.D. Smith **The possible macroeconomic impact on the UK of an influenza pandemic** Health Econ, 19 (11) (2010), pp. 1345-1360 [CrossRefView Record in ScopusGoogle Scholar](#)

42. Economics in the Time of COVID-19 | VOX, CEPR Policy Portal [Internet]. [cited 2020 Mar 20]. Available from: <https://voxeu.org/content/economics-time-covid-19> Google Scholar

43. DHSC issues guidance on the impact of COVID-19 on research funded or supported by NIHR [Internet]. [cited 2020 Mar 21]. Available from: <https://www.nihr.ac.uk/news/dhsc-issues-guidance-on-the-impact-on-covid-19-on-research-funded-or-supported-by-nihr/24469> Google Scholar

44. NIH shifts non-mission-critical laboratory operations to minimal maintenance phase [Internet]. National Institutes of Health (NIH). 2020 [cited 2020 Mar 21]. Available from: <https://www.nih.gov/news-events/news-releases/nih-shifts-non-mission-critical-laboratory-operations-minimal-maintenance-phase> Google Scholar

45. Coronavirus (COVID-19) [Internet]. Harvard University. [cited 2020 Mar 21]. Available from: <https://www.harvard.edu/coronavirus> Google Scholar

46. Impey C. Coronavirus: Social distancing is delaying vital scientific research [Internet]. The Conversation. [cited 2020 Mar 21]. Available from: <http://theconversation.com/coronavirus-social-distancing-is-delaying-vital-scientific-research-133689> Google Scholar

47. UEFA.com. UEFA EURO 2020 [Internet]. UEFA.com. [cited 2020 Mar 20]. Available from: <https://www.uefa.com/uefaeuro-2020/> Google Scholar

48. Tokyo Olympics postponed to 2021 due to coronavirus pandemic | Sport | The Guardian [Internet]. [cited 2020 Apr 7]. Available from: <https://www.theguardian.com/sport/2020/mar/24/tokyo-olympics-to-be-postponed-to-2021-due-to-coronavirus-pandemic> Google Scholar